*Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида амалга жорий қилиш (амал қилишни бекор қилиш) ва унга ўзгартиришлар тузғисидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрчатгичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳолатларида тегишли ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрчатгичда чоп этилади.*

D'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NIZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

Ушбу Давлат стандарти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳукуки “Ўзстандарт” Агентлигига тегишли.



## МУНДАРИЖА

1.	Қўлланиш доираси.....	1
2.	Атамалар ва таърифлар.....	1
3.	Сифатни бошқариш.....	3
3.1	Асос.....	3
3.2	Сифат тизими.....	3
3.3	Бошқа шахс томонидан бажарилиши учун ўтказилган фаолият (аутсорсинг)ни бошқариш .....	4
3.4	Раҳбарият томонидан мониторинг ва таҳлил.....	4
3.5	Сифат билан боғлиқ хавфларни бошқариш.....	5
4	Ходимлар.....	5
4.1	Моҳияти.....	5
4.2	Ваколатли шахс.....	5
4.3	Бошқа ходимлар.....	6
4.4	Ўқитиш.....	6
4.5	Гигиена.....	7
5	Хоналар ва жиҳозлар.....	7
5.1	Моҳияти.....	7
5.2	Бино ва хоналар.....	7
5.3	Хона талаблари.....	7
5.4	Хоналарда ишлаб чиқариш муҳитининг шароити ва харорати назорат қилиш.....	9
5.5	Ускуналар.....	9
5.6	Ускунага қўйиладиган талаблар.....	9
5.7	Компьютерлаштирилган тизимлар.....	10
5.8	Квалификация ва валидация.....	11
6	Хужжатлар.....	11
6.1	Моҳияти.....	11
6.2	Умумий талаблар.....	11

<b>7 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дистрибьюцияси жараёни.....</b>	<b>12</b>
7.1 Моҳияти.....	12
7.2 Таъминотчини баҳолаш.....	12
7.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларни қабул қилиш.....	13
7.4 Сақлаш.....	13
7.5 Йўқ қилиш.....	14
7.6 Миқдорларни (олувчиларни) баҳолаш.....	14
7.7 Юклаш учун тайёргарлик.....	15
7.8 Таъминот.....	15
<b>8 Транспортировка.....</b>	<b>15</b>
8.1 Моҳияти.....	15
8.2 Транспортировка.....	16
8.3 Тара, ўрамлаш ва ёрликлаш.....	17
8.4 Алоҳида муомалани талаб қиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ....	17
<b>9 Дори воситалари ва тиббий буюмларга оид шикоятлар, уларни қайтариш, қалбакилаштиришга шубҳалар, ва уларни муомаладан чиқариб олиш ...</b>	<b>18</b>
9.1 Моҳияти.....	18
9.2 Шикоятлар.....	18
9.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қайтарилиши.....	19
9.4 Қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмлар.....	20
9.5 Муомаладан чиқариб олиш.....	20
<b>10 Ташқи манбааларга юклатиладиган вазифалар (аутсорсинг).....</b>	<b>21</b>
10.1 Моҳияти.....	21
10.2 Буюртмачи.....	21
10.3 Ижрочи.....	22
<b>11 Дистрибьюторлар ўз-ўзини текшириш.....</b>	<b>22</b>
11.1 Моҳияти.....	22
11.2 Ўз-ўзидан текшириш.....	22
<b>Ахборот маълумотлари.....</b>	<b>27</b>

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

## ЯХШИ ДИСТРИБЬЮТОРЛИК АМАЛИЁТИ - GDP

## НАДЛЕЖАЩАЯ ДИСТРИБЬЮТОРСКАЯ ПРАКТИКА - GDP

## GOOD DISTRIBUTION PRACTICES - GDP

Киритилиш санаси «05» 10 2018 й. дан  
Амал қилиш муддати «  »    2023 й. гача

## 1 ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

Мазкур Давлат стандарти (бундан буён матнда стандарт деб юритилади) дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи сотиш ва сақлаш билан боғлиқ умумий қоидалар ва тамойилларини белгилайди (бундан буён матнда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дистрибьюцияси деб юритилади). Мазкур Қоидалар идоравий мансублигига ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дистрибьюцияси билан шуғулланадиган барча шахсларга, шу жумладан дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарига ва дистрибьюторларига нисбатан қўлланилади.

Мазкур стандартнинг мақсади муомаладаги дори воситаларининг сифати, ҳавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмларни муомалага кириш хавфини олдини олиш учун зарур бўлган сақлаш, ташиш ва тарқатиш шартларига риоя қилишдир.

Мазкур стандартга риоя қилиш қуйидагиларни таъминлайди:

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан қафолатланган сифати ва ҳавфсизлиги;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хусусиятлари ўзгармаган ҳолда дорихоналар ва тиббий-профилактика муассасаларига келиб тушиши.

## 2 АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур стандартда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

**валидация** - муайян услуб, жараён, ускуна, материал, фаолият ёки тизимнинг белгиланган талабларга жавоб бериши ва уларни қўллашда доимий равишда олдиндан белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда қутилган натижаларга олиб келишини исботловчи ҳужжатлаштирилган ҳаракатлар;

**маҳсулотни қайтариш** - маҳсулот сифатида нуқсон бўлишидан қатъий назар, ишлаб чиқарувчига ёки дистрибьюторга дори воситалари ва тиббий маҳсулотни қайтариб юбориш;

**дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси ва сақлаш (дистрибуция)** - дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳажми чекланмаган ҳолда сотиб олиш (харид қилиш), сақлаш, импорт қилиш, экспорт қилиш, савдоси (аҳолига сотиш бундан истисно) ва транспортировка қилиш билан боғлиқ фармацевтика фаолияти;

**дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхона (бундан буён матнда дистрибьютор деб юритилади)** - ЎзР конунчилигига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси ва сақлаш қоидаларига мувофиқ амалга ошириладиган фармацевтик фаолият билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ташкилот;

**зона** - турли функцияларни бажариш учун махсус мўлжалланган, хона ёки биноларнинг бир қисми;

6484  
05-10-18

**сифат** - дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мақсадга биноан таъсир кўрсатиш имкониятини белгиловчи хусусиятлари ва хоссаларининг йиғиндиси;

**квалификация** - ускуналар ёки ёрдамчи тизимлар тўғри ўрнатилганлиги, тўғри ишлаши ва қутилган натижаларга олиб келишини исботлайдиган ва тасдиқлайдиган ҳужжатлаштирилган хатти - ҳаракатлар;

**яхши дистрибьюторлик амалиёти** - ЎЗР қонунчилигига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш занжирининг барча босқичларида, шу жумладан ишлаб чиқарувчилардан улгуржи ва чакана савдо ташкилотларига, ҳамда тиббий муассасаларга етказиб бериш ва сақлашда уларнинг сифатини кафолатлайдиган сифатни таъминлаш тизимининг бир қисми;

**дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини таъминлаш** - дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатига қўйиладиган талабларга жавоб бериш учун амалга ошириладиган барча ташкилий чора-тадбирлар йиғиндиси;

**хавфни қайта кўриб чиқиш** - (зарур бўлганда) хавф билан боғлиқ янги билимлар ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда, хавфни бошқариш жараёнининг натижаларини шархлаш ёки мониторинг қилиш;

**маҳсулотни чақириб олиш** - дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати қониқарли бўлмаган ёки уларни қўллашда жиддий ноҳуш таъсирлар аниқланган ҳолларда ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, дистрибьютор, етказиб берувчи ёки ваколатли давлат органи томонидан ушбу дори воситалари ва тиббий буюмларни муомаладан чиқариб олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар;

**хавфни баҳолаш** - миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича хавфнинг аҳамиятлилиги асосида қутилаётган хавфни белгиланган хавф мезонлари билан таққослаш;

**адаштириш** - бир неча турдаги, турли хил сериялари ва (ёки) партиядаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнида аралашиб кетиши, ёки бир турдаги маҳсулотни бошқаси билан алмаштириб юборилганлиги;

**сифат бўйича қўлланма** - ташкилотнинг сифат тизимини тавсифловчи ва ташкилотнинг барча фаолиятини ёки унинг фақат бир қисмини қамраб олган ҳужжат;

**сифат тизими** - сифат сиёсатини амалга ошириш ва сифат мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган тизимнинг барча элементлари йиғиндиси;

**омбор** - дори воситалари ва тиббий буюмларни қабул қилиш, сақлаш ва сотиш учун мўлжалланган махсус хоналар, жиҳозлар, техник воситалар мажмуаси;

**стандарт операцион жараёнлар (СОЖ)** – жараёнларни тартибга соладиган ҳужжат – йшринома, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлган жараёнларнинг ва эҳтиёт чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган хатти ҳаракатларнинг босқичма-босқич таърифи;

**сифатни бошқариш** – сифатга белгиланган талабларга жавоб берадиган ва жараённи бошқариш учун ишлатиладиган усуллар ва фаолият турлари, маҳсулот ҳаётий даврининг барча босқичларида қониқарсиз ишлашнинг сабабларини бартараф этиш;

**сифатга оид хавфни бошқариш** - дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳаётий даври давомида сифатига оид ахборотни баҳолаш, назорат қилиш, алмашиш ва шархлашнинг тизимли жараёни;

**қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар** - таркиби ва / ёки ишлаб чиқарувчи, шунингдек етказиб бериш тўғрисида, шу жумладан фойдаланиладиган тарқатиш каналларига таъсир кўрсатадиган ёзувлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги ноқонуний ва нотўғри маълумотлар билан таъминланган дори воситалари ва тиббий буюмлар.

### 3 СИФАТНИ БОШҚАРИШ

#### 3.1 Асос

Дистрибьюторлар ўз фаолиятига доир хавфларни бошқариш бўлими билан бўлган мажбуриятларни, жараёнларни ва тамойилларини белгилайдиган сифат тизимини яратиши ва уни қўллаб қувватлаб туриши керак. Дистрибьюторлик фаолияти дори воситалари ва тиббий

U'ZBEKISTAN AGENCIES  
STANDARTLASHITIRISH VA  
DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHIRISH  
BOSHQARMASI

буюмларнинг улгуржи савдоси учун лицензия асосида амалга оширилиши керак. Улгуржи фармацевтика ташкилотида дистрибьюторлик билан боғлиқ барча хатти-харакатлар аниқ ва равшан белгиланган, ҳамда таҳлил қилинган бўлиши керак. Улгуржи савдо жараёнининг асосий босқичлари (шу жумладан энг муҳим ўзгаришлари) асосланган бўлиши ва зарур бўлганда валидациядан ўтган бўлиши керак. Сифат тизимининг фаолияти учун маъсулият ташкилот раҳбари зиммасида бўлади. Сифат тизимининг фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлар ташкилот ходимлари томонидан тегишли равишда бажарилиши керак.

### **3.2 Сифат тизими**

3.2.1 Сифат менежменти тизими етказиб бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати ва бутунлиги сақланишини таъминлаш, шунингдек, сақлаш ва/ёки ташиш вақтида уларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш учун зарур бўлган хатти харакатлар, ташкилий тузилма, фаолият, жараёнлар ва ресурсларни ўз ичига олади.

3.2.2 Сифат тизими тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, унинг самарадорлиги мониторинг ва таҳлил қилиниши керак. Сифат тизимига тааллуқли бўлган ходимларнинг ҳаракатлари тегишли ёзма тартибда баён қилиниши, «Сифат бўйича қўлланма» жорий қилиниши ва замонавий ҳолатда сақланиши керак.

3.2.3 Ташкилот раҳбарияти томонидан сифат тизимини татбиқ этиш ва актуал ҳолатини таъминлаш учун Ваколатли шахс тайинланади.

Сифат тизимининг барча таркибий қисмлари малакали ходимлар, етарли равишда хоналар, ускуналар ва техник воситалар билан таъминланиши керак.

3.2.4 Сифат тизимини яратишда, қўллаб-қувватлашда ёки уни ўзгартиришда ташкилий тузилмани, амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар ҳажмини ҳамда дистрибьюторнинг фаолиятининг кўп тармоқлилигини ҳисобга олиш керак.

3.2.5 Дистрибьюторда мутаносиб ва самарали бўлган, ҳамда сифат билан боғлиқ хавфни бошқариш тамойилларига асосланган ўзгаришларни бошқариш тизими мавжуд бўлиши керак.

3.2.6 Сифатни таъминлаш тизими қуйидагиларни кафолатлаши керак:

а) дори воситалари ва тиббий буюмлар ушбу Қоида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда сотиб олинади, сақланади, ташилади, етказиб берилади ёки экспорт қилинади;

б) ташкилот раҳбариятининг мажбуриятлари аниқ белгиланади;

в) дори воситалари ва тиббий буюмлар тегишли қабул қилувчиларга белгиланган вақтда етказиб берилади;

г) тегишли хатти-харакатлар амалга оширилаётганда ёки тугагандан сўнг дарҳол ҳаракатларни ҳужжатлаштириш амалга оширилади;

д) белгиланган тартиб-қоидалардан четланиш ҳужжатлаштирилади ва уларга нисбатан текширувлар ўтказилади;

е) четланишларни бартараф этиш ва уларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун зарур бўлган тузатувчи ва олдини олиш хатти харакатлари сифат билан боғлиқ хавфларни бошқариш тамойилларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

### **3.3 Бошқа шахс томонидан бажарилиши учун ўтказилган фаолият (аутсорсинг)ни бошқариш**

3.3.1 Ташқи манбааларга юклатилган фаолият (аутсорсинг)ни бошқариш

Дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш, етказиб бериш ёки экспорти билан боғлиқ фаолиятни шартнома асосида ташқи манбааларга юклатилган фаолият (аутсорсинг)ни бошқариш ва таҳлил қилишни сифат тизими ўз ичига олади. Аутсорсингга таалуқли фаолият сифат билан боғлиқ хавфни ҳисобга олиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) шартнома бўйича мажбуриятларни тўғри бажариш учун ижрочининг мувофиқлиги ва малакасини баҳолаш, шунингдек, ижрочининг қонунга мувофиқ зарур рухсатномаларга эга эканлигини текшириш;

б) маъсулият, томонларнинг ўзаро ишлаш тартиб-қоидаларини белгилаш ва фаолият доирасида ахборот алмашиш қоидаларини белгилаш;

U'Z STANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHITIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

в) ижрочининг фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш, шунингдек яхшилаш учун зарур чора-тадбирларни мунтазам равишда аниқлаш ва жорий этиш.

### **3.4 Раҳбарият томонидан мониторинг ва таҳлил**

3.4.1 Ташкилот раҳбарияти сифат тизимини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш жараёнини тадбиқ этиши керак. Назорат қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) сифат тизимининг мақсадларига эришиш даражасини баҳолаш;

б) сифат тизими самарадорлигининг қуйидаги кўрсаткичлари - шикоятлар, белгиланган меъёрлардан четланишлар, махсулотни муомаладан чақириб олиш, махсулотни қайтариб юборишлар сони, четланишларни тузатиш ва олдини олиш хатти- ҳаракатларининг самарадорлиги, жараёнлардаги ўзгаришлар, аутсорсинг фаолияти бўйича хулосалар, ўз-ўзини баҳолаш жараёнлари (жумладан, хавфни таҳлил қилиш ва аудитлар), ташқи назорат натижалари (жумладан, инспекция ва аудитлар), аниқланган номувофикликлар, мижозларнинг аудитлари асосида сифат тизимини баҳолаш;

в) меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга, қўлланмаларга киритилган ўзгартиришлар, шунингдек, сифатни бошқариш тизимига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги сифат билан боғлиқ вазиятларнинг вужудга келиши;

г) сифат тизимининг самарадорлигини оширишга имкон берадиган янгилликлар;

д) корхонанинг ташқи муҳити ва белгиланган мақсадларидаги ўзгаришлар.

3.4.2 Раҳбарият томонидан сифат тизимининг таҳлил қилиш натижалари ўз вақтида ҳужжатлаштирилиб, ходимларга етказилиши керак.

### **3.5 Сифат билан боғлиқ хавфларни бошқариш**

3.5.1 Сифат билан боғлиқ хавфларни бошқариш - дори воситаларининг сифатига оид хатарлар бўйича маълумотларни баҳолаш, назорат қилиш, алмашиш ва таҳлил қилишнинг тизимли жараёнидир. Ушбу жараён переспектив ва ретроспектив равишда амалга оширилиши мумкин.

3.5.2 Сифат билан боғлиқ хавфни бошқариш қуйидагиларни кўзда тутати - сифатга оид хатарларни баҳолаш жараёни илмий билимларга, амалий тажрибага асосланади ва беморнинг соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилади. Сифат билан боғлиқ хавфни бошқариш ва хатарни баҳолаш натижаларини ҳужжатлаштириш ишларининг хажми хавф даражасига мувофиқ ўлчамларда бўлиши керак.

## **4 ХОДИМЛАР**

### **4.1 Моҳияти**

Яхши дистрибьюторлик амалиётининг талабларини бажариш инсон омилига боғлиқ. Ўзига юклатилган юкланган вазифаларни ҳал этиш учун дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилот таркибида етарлича малакали кадрларга эга бўлиши керак. Ҳар бир ходим яхши дистрибьюторлик амалиётининг талабларининг ўз фаолиятига тегишли қисмини билиши ва тушуниши зарур. Ҳар бир ходим ўз шахсий маъсулиятини билиши лозим, ва бу маъсулият ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

### **4.2 Ваколатли шахс**

4.2.1 Дистрибьютор раҳбарияти томонидан ваколатли шахс тайинланиши зарур. Ваколатли шахс Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб бериши ва тегишли малака (фармацевтика таълими бўйича бўлиши мақсадга мувофиқ), тажриба ва билимга эга бўлиши керак. Баъзи ҳолларда ваколатли шахс фармацевтика таълимига оид бўлмаган билимга эга бўлиши мумкин – шу жумладан радиофармацевтик препаратлар дистрибьюциясида - радиобиология, ядро физикаси ёки радиофизика соҳасидаги таълим, тиббий газлар дистрибьюциясида – физикавий-техник соҳасидаги таълим. Дистрибьюторнинг сифат бўйича қўлланмасида дори воситалари ва тиббий буюмлар товарлари номенклатурасидан келиб чиққан ҳолда ваколатли шахснинг таълим соҳаси белгиланиши керак.

4.2.2 Ваколатли шахс ўз вазифаларини шартан бажариши керак. Ваколатли шахс билан алоқа доимий равишда таъминланган бўлиши керак. Ваколатли шахс ўз

мажбуриятларининг бир қисмини бошқа ходимларга юклаши мумкин, аммо жавобгарлик ўз зиммасида қолади.

4.2.3 Ваколатли шахснинг ўз лавозим мажбуриятлари доирасидаги қарорлар қабул қилиш ваколатлари, шунингдек уларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар лавозим йўриқномасида аниқланиши керак. Ваколатли шахсга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ваколат, ресурслар ва жавобгарлик соҳалари аниқ белгиланган бўлиши керак.

4.2.4 Ваколатли шахс ўз вазифаларини дистрибьюторлик ташкилоти яхши дистрибьюторлик амалиётига риоя этганлигини тасдиқлай оладиган даражада бажариши керак.

4.2.5 Ваколатли шахснинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

а) сифат менежменти тизимининг жорий этилишини ва уни қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

б) белгиланган фаолиятни бошқариш ҳамда қайдларнинг аниқлигини ва сифатини таъминлашга ўз этиборини қаратиш;

в) дистрибьюторлик жараёнида иштирок этувчи барча ходимлар учун дастлабки ва кейинги ўқитиш дастурларини жорий этилишини ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

г) дори воситалари ва тиббий буюмларни муомаладан чиқаришни ўз вақтида ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

д) харидорларнинг (олувчиларнинг) шикоятлари билан самарали ишлашни таъминлаш;

е) таъминотчиларни ва олувчиларни тасдиқлаш;

ж) яхши дистрибьюторлик амалиётига риоя этиш зарур бўлган фаолиятларни аутсорсингини (ташқи манбааларга юклаш)ни тасдиқлаш;

з) ўз-ўзини текширишларнинг тайёрланган дастурга мувофиқ ва белгиланган муддатга амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилиш;

и) бошқа ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича зарур қайдларни саклаш;

к) қайтарилган, чакириб олинган, олинини рад этилган, нохуш таъсир этувчи деб топилган, қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмларга оид қарор қабул қилиш;

л) қайтарилган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш учун яроқли тоифага ўтказилишини тасдиқлаш;

м) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида айрим маҳсулотлар учун белгиланган қўшимча талабларни бажарилишини таъминлаш.

#### 4.3 Бошқа ходимлар

4.3.1 Дистрибьютор дори воситалари ва тиббий буюмлар тақсимот фаолиятининг барча босқичларини амалга ошириш учун етарли малакали ходимларга эга бўлиши керак. Ходимларнинг сони бажариладиган ишлар миқдори ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари асосида белгиланади.

4.3.2 Дистрибьюторнинг ташкилий тузилмаси схема шаклида тузилади ва раҳбарият томонидан тасдиқланади. Ходимларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва ўзаро мулоқотлари аниқ белгиланган бўлиши керак.

4.3.3 Улгуржи фармацевтика корхонасининг ҳар бир ходими учун лавозим мажбуриятлари ва уларнинг бошқа ходимлар томонидан алмаштириш тартиби белгиланган лавозим йўриқномалари тузилган бўлиши керак. Улгуржи фармацевтика компаниясининг омборхона мудири фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

#### 4.4 Ўқитиш

4.4.1 Дори воситалари ва тиббий буюмлар дистрибьюцияси фаолиятига жалб этилган барча ходимлар тегишли дистрибьюция амалиётига зарур бўлган ўқитилиши ва ўз лавозим мажбуриятларини бажаришни бошлашдан олдин тегишли мадақага эга бўлиши керак.

UZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

4.4.2 Ходимлар улар томонидан амалга ошириладиган мажбуриятларига мувофиқ тузилган йўриқнома ва ўқув дастурлари асосида бошланғич ва кейинги таълим олишлари керак. Ваколатли шахс мунтазам равишда ўқитиш асосида яхши дистрибьюторлик амалиёти соҳасида ходимлар малакасини ошириб бориши лозим.

4.4.3 Кўшимча ўқитиш жараёни тақсимот занжирига қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмлар кўшилишини олдини олиш учун маҳсулот идентификацияси жиҳатларини ўз ичига олиши лозим.

4.4.4 Муомаласига қатъий талаблар белгиланган маҳсулотлар билан ишлайдиган ходимлар махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим. Бундай маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан махсус назорат остига олиниши кераклиги белгиланган ёнғиндан ҳавфли, портловчи, тез алангаланувчи, радиоактив дори воситалари ва тиббий буюмлар, термолабил дори воситалари киради.

4.4.5 Ўқитиш бўйича ёзувлар сақланиб қолиниши ва ўқув машғулотларининг самарадорлиги вақти-вақти билан баҳоланиб, ҳужжатлаштирилиши керак.

#### 4.5 Гигиена

Амалга ошириладиган фаолият доирасида қўлланадиган ходимлар меҳнатининг гигиенаси ва шахсий гигиена бўйича тегишли йўриқномалар тузилган бўлиши ва уларга риоя қилиниши керак. Ушбу йўриқномалар соғлиқ, гигиена ва кийим-бош билан боғлиқ талабларни ўз ичига олиши керак.

## 5 ХОНАЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР

### 5.1 Моҳияти

Дистрибьюторлик ташкилотлари дори воситалари ва тиббий буюмларни тегишлича сақлаш, юклаш, ташишни таъминлаш учун зарур бўлган хоналар, жиҳозларга эга бўлиши керак. Хоналар тоза ва қуруқ бўлиши керак, уларда керакли ҳарорат ва намлик сақлаб турилиши керак. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган ташкилотларнинг омборлари санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник талабларга, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига жавоб бериши керак.

Улгуржи савдо ташкилоти омборининг хоналари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларнинг физик-кимёвий, фармакологик ва токсикологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри сақлашни таъминловчи шароитларга эга бўлиши керак.

### 5.2 Бино ва хоналар

#### 5.2.1 Хона талаблари

5.2.1.1 Қабул қилиш ва жўнатиш зоналарида об-ҳаво шароити таъсиридан ҳимоя қилиш, қабул қилиш, ташиш ва сақлаш жойларини етарли даражада ажралганлигини таъминлаш, кираётган ва чиқарилаётган дори воситалари ва тиббий буюмлари окимини назорат қилиш тартибини белгиловчи йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак. Қабул қилинган маҳсулотларни текшириш учун қабул қилиш жойлари аниқ белгиланган ва тегишли ускуналар билан таъминланган бўлиши керак.

Қабул қилинганидан кейин маҳсулотга ҳеч қандай шикаст етказилмаганлиги ва етказилган маҳсулот буюртмага мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун қабул қилиш назорати ўтказилиши лозим. Қабул қилиш зонасида таранинг тозаланиши кўзда тутилиши лозим.

5.2.1.2 Хоналар талаб қилинган сақлаш шароитларини таъминлаши учун лойиҳалаштирилган ёки мослаштирилган бўлиши керак. Дори воситаларининг хавфсиз сақланиши ва муомаласи учун хоналар химояланган, тегишли тузилишга ва етарли хажмларга эга бўлиши керак. Амалга оширилган барча операцияларнинг аниқлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун сақлаш жойларининг мувофиқлиги эга бўлиши керак.

5.2.1.3 Дори воситалари ва тиббий буюмлари тегишли равишда қўрилган ва аниқ белгиланган зоналарда сақланиши керак, бу зоналарга фақат руҳсат этилган ходимларгина

STANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NIZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI



киришга ҳақли. Сақлаш зоналарини жисмоний ажратиш ўрнига қўлланган ҳар қандай тизим (масалан, электрон тизим) хавфсизликни белгиланган даражада таъминлаши ва валидацияланган бўлиши керак.

5.2.1.4 Муомаласи вақтинча тўхтатиб қўйилган ёки муомаласи бўйича яқиний қарор қабул қилинмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар жисмонан ёки электрон тарзда изоляцияланган бўлиши лозим. Бу талаб қалбакилигига гумон бўлган ва қайтарилган ҳар қандай маҳсулотга нисбатан қўлланилади.

5.2.1.5 Ҳар қандай қалбакилаштирилган, яроқлилик муддати тугаган, муомаладан қайтариб олинган ва нуқсонли (таъминот бўғинидан четлаштирилган) маҳсулотлар қолган дарҳол жисмонан ажратилиши (изоляцияланиши) ва дистрибьюция учун яроқли маҳсулотлардан ажратилган махсус зоналарда сақланиши керак.

5.2.1.6 Қабул қилинган хавфсизлик чоралари ушбу зоналарда юқорида кўрсатилган маҳсулотларни дистрибьюция учун яроқли бўлган дори воситалари, тиббий буюмлардан алоҳида сақлаш ва уларнинг эркин муомалага киритилишига тўсқинлик қиладиган шароитлар таъминланишини кафолатлаши керак. Ушбу зоналар тегишли равишда (номлари кўрсатилган ҳолда) аниқ белгиланиши ва ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг киритилишидан ҳимояланган бўлиши керак.

5.2.1.7 Муомаласига қатъий талаблар белгиланган дори воситалари (масалан, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, захарли кимёвий моддалар ва бошқа хавфли моддалар) Ўзбекистон қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган шароитида сақланиши керак.

5.2.1.8 Радиофармацевтик ва бошқа хавфли дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, ёнғинга хавфли ва портловчи дори воситалари (масалан, тиббий газлар, тез алангаланувчи суюқликлар ва бошқалар) тегишли хавфсизлик чоралари кўрилган, Ўзбекистон қонунларига мувофиқ равишда белгиланган жойларда сақланиши ва ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг киришидан ҳимояланган бўлиши керак.

5.2.1.9 Назорат остидаги хоналарга ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг киришини олдини олиш имконини берувчи кўриқлаш тизимини таъминлаш керак. Огоҳлантирувчи чоратadbирлар, одатда, сигнализация тизимини ва назорат қилиш тизими билан ишлаш режимини ўз ичига олиши керак. Бундай хоналарга бегоналар кузатувчисиз қўйилмаслиги керак.

5.2.1.10 Сақлаш учун мўлжалланган хоналар ва ускуналар тоза бўлиши керак, уларда чанг ва чиқиндилар тўпланмаслиги керак. Хоналарни ва ускуналарни тозалаш дастурлари, ҳужжатлаштирилган йўриқномалар, қайдлар бўлиши керак. Тозалаш учун ишлатиладиган ускуналар, тозалаш ашёлари ва анжомлари, шунингдек ювувчи ва дезинфекцияловчи воситалар шундай танланиши, ишлатилиши ва сақланиши керак-ки контаминация манбаси бўлиб қолмасин.

5.2.1.11 Хоналар ҳашаротлар, кемирувчилар ёки бошқа хайвонларнинг кириб келишидан ҳимоя қилиниши таъминланган ҳолда лойиҳалаштирилиши ва жихозланиши керак. Зараркундалар билан зарарланишнинг олдини олиш назорат дастури ишлаб чиқилиши керак.

5.2.1.12 Агар бино тўғридан-тўғри дистрибьюторга тегишли бўлмаса, бу жой дистрибьютор томонидан ижара шартномаси ёки бошқа мулкӣ ёки мажбурият ҳуқуқи асосида фойдаланилиши мумкин. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш учун фойдаланиладиган бинолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишга топширилади.

5.2.1.13 Ходимларнинг дам олиш, кийиниш хоналари, душ ва хожатхоналар сақлаш жойларидан тўғри тегишли равишда ажратилиши керак. Омборхона хоналарида озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, шунингдек, шахсий фойдаланиш учун дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мавжуд бўлиши тақиқланади.

### 5.3 Хоналарда ишлаб чиқариш муҳитининг шароити ва ҳарорати назорат қилиш

5.3.1 Хоналардаги муҳитни кузатиб бориш учун стандарт операциялар ўрнатилган ва жараёнларни тартибга солувчи ҳужжатлар (масалан, стандарт операциялар жараёнлар - СОЖ) бўлиши керак.

Назоратни талаб қиладиган хона мухитининг омилларига хоналардаги ҳарорат, ёруғлик, намлик ва тозаллик киради.

5.3.2 Назорат ускуналарини қўллашдан аввал фойдаланиш (эксплуатация) параметрларида акс эттирилган шартларига риоя этган ҳолда дастлаб сақлаш зоналарида ҳароратнинг тақсимланишини (ҳароратнинг хариталаниши) ўрганиш зарур. Ҳарорат назоратининг ускуналари энг муҳим ҳарорат ўзгариш нуқталарида ҳарорат хариталашни таҳлил қилиш натижаларига мувофиқ жойлаштирилиши керак.

Сифатга оид хавф-хатарни таҳлил қилиш натижалари бўйича хона тузилишида ёки ҳароратни назорат қилиш ускуналарида сезиларли ўзгаришлар содир бўлганда ҳароратни хариталашни қайта амалга ошириш керак.

Хона ҳароратида сақлашда сақлаш хоналарининг майдони бир неча квадрат метрдан ошмаса, потенциал хавфларни таҳлил қилиб, (масалан, иситиш мосламалари мавжудлиги) таҳлил натижаларига мувофиқ ҳароратни назорат қилиш ускуналари ўрнатилган бўлиши керак.

## 5.4 Ускуналар

### 5.4.1 Ускунага қўйиладиган талаблар

5.4.1.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва дисрибьюцияси жараёнларига таъсир этувчи ускуналарнинг лойиҳалаштирилиши, жойлаштирилиши ва уларга хизмат кўрсатиш фойдаланиш (эксплуатация) бўйича кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Энг аҳамиятли жараёнларда қўлланиладиган асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш режаси тасдиқланиши керак.

Омбор куйидаги жиҳозлар ва инвентарлар билан жиҳозланиши керак: стеллажлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш учун палетлар; дори воситаларининг алоҳида гуруҳлари, бухгалтерия ёзувлари ва маълумотнома адабиётларини сақлаш учун қулфланадиган металл шкафлар ва сейфлар; кийиниш хонасида устки ва махсус кийимларни, поябзалларни сақлаш учун шкаф; санитария тартибини таъминлаш учун дезинфекцион воситалар ва хўжалик инвентарлари.

Энг муҳим ускуналарга кондиционерлар, совутгич камералари (совутгичлар), қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси, хоналарга киришни назорат қилиш тизими, вентиляция тизим, хавони намлантириш ва / ёки қуриштириш тизими, термогигрометрлар (психрометрлар) ёки хаво ҳарорати ва намлигини қайд этиш қурилмалари, шунингдек транспортровка воситалари.

5.4.1.2 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сақлаш шароитлари назорати ёки мониторинги учун ишлатиладиган ускуналар (ўлчов воситалари) Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартибда мувофиқлиги текширилган, ҳамда хавф таҳлили ва ускуналарнинг ишончлилиги асосида маълум вақт оралигида калибрланган бўлиши керак.

Ускунани калибрлашда қўлланиладиган эталонларнинг миллий ва халқаро эталонларнинг ўлчов бирликларига мувофиқ метрологик кузатуви таъминланиши керак.

5.4.1.3 Саълаш учун белгиланган талаблардан четланишларни тезда аниқлаш учун тегишли сигнализация тизимлари қўлланилиши керак. Тегишли равишда огоҳлантириш даражаси ўрнатилган бўлиши керак. Сигнализация тизимлари уларнинг тегишли равишда ишлашини таъминлаш учун мунтазам равишда синовдан ўтказилиши керак.

5.4.1.4 Ускуналарни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва калибрлаш бўйича ишлар дори воситаларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳолатда ўтказилиши керак. Агар зарур бўлса, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ёки текшириш вақтида фойдаланиш учун яроқли асбоб-ускуналар ва ўлчов воситаларининг захираси бўлишини таъминлаш керак.

5.4.1.5 Энг муҳим ускуналарни таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ва калибрлаш жараёнлари мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган бўлиши ва ҳужжатлар сақланиши керак.

## 5.5 Компьютерлаштирилган тизимлар

5.5.1 Компьютерлаштирилган тизимни ишлатишдан олдин, тизимда тасдиқланган натижалар аниқ, бир хил ва такроран олиниши мумкинлигини валидация ёки текшириш ёрдамида кўрсатиш керак.

5.5.2 Компьютерлаштирилган тизимнинг батафсил ҳужжатлаштирилган тавсифи бўлиши керак (жумладан, диаграммалар). Бундай тавсифларнинг долзарблигини кўллаб-қувватлаб туриш керак ва уларда асосий тамойиллар, мақсадлар, хавфсизлик чоралари, кўллаш соҳаси ва асосий функционал хусусиятлар, шунингдек, ишлатиш тартиби бошқа тизимлар билан ишлаш тартиби ва бошқа тизимлар билан мулоқот учун интерфейсларни акс эттирилган бўлиши керак.

5.5.3 Компьютерлаштирилган тизимга маълумотларни киритиш ёки ўзгартириш фақат ушбу турдаги иш учун масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Компьютерлаштирилган тизим тизимдаги барча ўзгаришларни, қайси фойдаланувчи томонидан ушбу ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиши керак.

5.5.4 Маълумотларни тасодифий ёки нотўғри ўзгартиришдан химоя қилиш учун жисмоний ёки электрон химоя воситалари бўлиши керак. Сақланган маълумотлар мавжудлиги мунтазам равишда текширилиши керак. Мунтазам равишда сақланган маълумотларнинг захира нусхалари олиниши керак. Компьютерлаштирилган тизимга киритилган маълумотларнинг захира нусхалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, лекин 5 йилдан кам бўлмаган муддатда алоҳида ажратилган ва хавфсиз жойда сақланиши керак.

5.5.5 Тизимда хатоликлар вужудга келганда ёки тизим ишдан чиққанда, зарур хатти ҳаракатлар тартиби белгиланган йўриқнома, ва маълумотларни тиклаш чора-тадбирлари кўзда тутилган бўлиши керак.

## 5.6 Квалификация ва валидация

5.6.1 Корхона квалификация ва / ёки валидациядан ўтказиладиган муҳим ускуналар ва жараёнларни белгилаб олиши зарур. Квалификация ва / ёки валидация ишларининг ҳажми (масалан, сақлаш, юклашга тайёрлаш ва ўрамлаш) ҳужжатлаштирилган хавфларни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Ускуналар ва жараёнлар ишлатила бошланишидан олдин ёки бирон бир муҳим ўзгаришлардан (масалан, таъмирдан) кейин квалификация ва / ёки валидациядан ўтказилиши керак.

Валидация ёки квалификация ўтказилиши ҳисоботлар билан расмийлаштирилиши керак, уларда олинган натижаларни умумлаштирилиши ва аниқланган четланишларга оид тушунтиришлар кўрсатилади.

5.6.2 Белгиланган йўриқномалардан четланишлар аниқланса ҳужжатлаштирилади, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар, ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш (тузатувчи ва олдини олиш учун хатти-ҳаракатлар) ишлаб чиқилади. Тегишли ходимлар томонидан тасдиқланган ҳолда жараён ёки ускунанинг муваффақиятли валидациясини тасдиқлаган далиллар олиниши зарур.

## 6 ҲУЖЖАТЛАР

### 6.1 Моҳияти

Тегишли ҳужжатлаштириш сифат тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳужжатлаштиришнинг вазифалари оғзаки мулоқотдан келиб чиқадиган хатолар олдини олиш, ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дистрибьюцияси давомида алоҳида жараёнларни кузатишдан иборат.

### 6.2 Умумий талаблар

6.2.1 Ҳужжатлар - стандарт операциялар ва ёки йўриқномалар, шартномалар, ёзувлар (қайдлар), ҳисоботлар ва қозғалдирилган электрон ахборот ташувчиларида қайд этилган бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Ҳужжатлар дистрибьюторлик

UZSTANDART ACEPTI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NIZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

ташкilotининг ходимлари учун олиб ишлашга осон бўлиши ва қайта тикланиши мумкин бўлиши зарур.

6.2.2 Хужжатлар дистрибьютор томонидан амалга ошириладиган барча жараёнларни етарлича равишда акс эттириши ва ходимларга тушунарли бўлиши керак. Хужжатларнинг матнлари бир маъноли бўлиши керак, турлича изоҳланиш ва хатоларга йўл қўймаслиги керак.

6.2.3 Хужжатлар, жараёнларни тартибга солувчи хужжатлар (СОЖ) Ваколатли шахс томонидан тасдиқланиши, имзоланиши ва санаси белгиланиши керак. Уларда дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатига ёки дистрибьюторлик фаолиятининг сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли хатти-ҳаракатлар (ишлар) таърифланиши керак: қабул қилиш ва етказилган маҳсулотни текшириш, сақлаш, хоналарни тозалаш ва хизмат кўрсатиш (шу жумладан паразитлар ва зараркунандалар назорати), сақлаш шароитларини назорат қилишни қайд этиш, баённомаларни юритиш ва сақлаш, дори воситалари ва тиббий буюмларининг қайтарилиши, муомаладан қайтариб олиш режалари ва х.к..

6.2.4 Хужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ махсус тайинланган шахслар томонидан тасдиқланиши, имзоланиши ва санаси қўйилган бўлиши керак. Хужжатлар қўлда ёзилмаслиги керак. Қўлда ёзилган қайдларни киритиш керак бўлган ҳолларда бунга зарур жойлар қолдирилиши кўзда тутилган бўлиши керак.

6.2.5 Хужжатларга киритилган ҳар қандай тузатишнинг санаси кўрсатилган бўлиши ва имзо қўйилган бўлиши, тузатиш шундай киритилиши керак-ки, бунда бирламчи ёзувларни ўқиш имкони бўлиши лозим. Агар керак бўлса, тузатишнинг сабабларини кўрсатилиши зарур.

6.2.6 Хужжатлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган муддатда, лекин камида 5 йил сақланиши керак. Ходимларнинг шахсий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган тартибда сақланади ва архивга топширилади.

6.2.7 Ҳар бир ходим ўз лавозим мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган хужжатларини тезкор олиш имкониятига эга бўлиши керак.

6.2.8 Амалдаги ва белгиланган тартибда тасдиқланган стандарт операцион жараёнлар (СОЖ) ва йўриқномалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хужжатнинг номи ва мақсади аниқ белгиланиши. Хужжатлар мунтазам равишда қайта кўриб чиқирилиши ва янгиланиши керак. СОЖ ва йўриқномаларнинг версияларини назорат остида бўлиши лозим. Ўз кучини йўқотган хужжатнинг ногоҳон ишлатилиб қўйилишини олдини олувчи тизим кўзда тутилган бўлиши керак. СОЖларнинг эскирган ва кучини йўқотган версиялари хужжат муомаласидан чиқариб олиниши ва архивланиши керак.

6.2.9 Омбор захирасини таъминловчи омбор захираларини ҳисобга олиш тизими амалда бўлиши керак («биринчи қабул қилинган - биринчи жўнатилган»); ушбу тизимнинг тўғри ишлаши мунтазам ва тез-тез текширилиши керак.

6.2.10 Қабул қилинган ёки топширилган товарларга тегишли қайдлар (масалан, буюртмалар, счёт-фактуралар, юкхатилар) ёки бошқа турдаги қайдлар электрон шаклда ёки бошқа шаклда сақланиши керак.

Ёзувларда камида куйидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак: сана; дори воситалари ва тиббий буюмларнинг номлари; харид қилинган ёки етказилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг миқдори; таъминотчи, олувчи ёки юк олувчининг (қайси бирига тегишли бўлса) номи, манзили; шунингдек серия рақами.

Ёзувлар бевосита тегишли жараёнлар амалга оширилган вақтида қайд қилиниши керак.

**O'Z STANDART AGENTLIGI**  
**STANDARTLASHTIRISH VA**  
**DAVLAT NIZORATINI**  
**MUVOFIQLASHTIRISH**  
**BOSHQARMASI**

## 7 ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИНГ ДИСТРИБЬЮЦИЯСИ ЖАРАЁНИ

### 7.1 Моҳияти

Дистрибьюторнинг барча ҳатти-ҳаракатлари шундай амалга оширилиши керакки, бунда дори воситалари ва тиббий буюмларининг чинлиги йўқолмасин ва дори воситалари ўраида кўрсатилган барча талаблар бажарилсин. Дистрибьютор тақсимот занжирига қалбаки дори воситалари қўшилиши хавфини олдини олиш учун зарур чораларни кўриши керак.

Улгуржи савдо жараёнида қонун ҳужжатлари, санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник талаблар, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, техника хавфсизлиги қоидалари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари таъминланиши керак.

### 7.2 Таъминотчини баҳолаш

7.2.1 Дистрибьютор дори воситалари ва тиббий буюмларни фақат дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ёки дистрибьюцияси бўйича фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун ваколатли орган томонидан лицензияланган ташкилотлардан олиши керак.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ноқонуний нусхаларини харид қилиш ва улгуржи сотиш тақиқланади.

Бошқа дистрибьютордан дори воситалари ва тиббий буюмларни харид қилган дистрибьютор, бу дори воситалари ва тиббий буюмларнинг таъминотчиси яхши дистрибьюция амалиёти талабларига риоя этишига ишончи қомил бўлиши керак.

7.2.2 Таъминотчиларни баҳолаш ва тасдиқлаш чоралари дистрибьютор томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг харидидан олдин ўтказилган бўлиши керак. Бу чора – тадбирлар тасдиқланган йўриқномага мувофиқ амалга оширилиб, натижалари ҳужжатлаштирилиши ва мунтазам равишда текширилиши керак.

7.2.3 Янги таъминотчилар билан шартномалар тузишдан олдин ташкилот уларнинг фаолияти бўйича компетентлигини, ишончилигини ва талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун таъминотчининг тегишлича текширувини амалга ошириши керак. Қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- а) таъминотчининг нуфузи ва / ёки ишончилиги;
- б) қалбакилаштирилишига кўпроқ мойиллиги бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш бўйича таклифлари;
- в) одатда фақат чекланган миқдорда мавжуд дори воситалари ва тиббий буюмларни қатта партиядо етказиб бериш бўйича таклифлари;
- г) бозордаги нархларга номувофиқ нархларни таклиф этиши.

### 7.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларни қабул қилиш

7.3.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни қабул қилиш бўйича жараёнларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) келтирилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг юк ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;
- б) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тасдиқланган таъминотчидан олиншини текшириш;
- в) транспортировка жараёнида юз бериши мумкин бўлган сезиларли шикастланишнинг йўқлигини текшириш.

7.3.2 Махсус сақлаш шароитлари ёки хавфсизлик шароитлари талаб қиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар биринчи навбатда қабул қилиниши ва зарур текширувлар ўтказилгандан сўнг дарҳол тегишли сақлаш жойига ўтказилиши керак.

7.3.3 Тасдиқланган йўриқномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган барча талабларнинг бажарилиши тасдиқланмагунча дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сериялари сотиладиган ҳудудларга ўтказилмаслиги керак.

#### **7.4 Сақлаш**

7.4.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва ташиш уларнинг хавфсизлиги, сифати ва сақланиши таъминланган шароитларда амалга оширилиши керак. Дори воситалари ва тиббий буюмлар уларга таъсир кўрсатадиган бошқа маҳсулотлардан алоҳида сақланиши керак, ҳамда нур, ҳарорат, намлик ва бошқа ташқи омилларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиниши керак. Махсус сақлаш шартларини талаб қиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларга алоҳида эътибор берилиши керак.

7.4.2 Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш учун жойлаштиришдан олдин транспорт тара (контейнерлар) зарур ҳолларда тозаланиши керак.

7.4.3 Омборга оид жараёнлар сақлаш шароитлари ва хавфсизлик чораларини таъминлаши керак.

7.4.4 Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлашда ҳамда уларнинг муомаласида тўкилиб-сочилиши, ўрам бутунлигининг бузилиши, контаминация ва аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўриш керак. Дори воситалари ва тиббий буюмлар бевосита полда сақланмаслиги керак, агар қадок шундай сақланиши учун махсус мўлжалланмаган бўлса (масалан, тиббий газли баллонлар).

7.4.5 Шикастланган ўрамдаги, ва аралашиб кетишда гумон қилинаётган маҳсулотлар, асосий захирадан ажратиб олинishi ва амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ йўқ қилиниши керак. Яроқлик муддати ўтган дори воситалари ва тиббий буюмлар зудлик билан қолган истеъмолга яроқли маҳсулотлардан жисмонан (махсус сақлаш хонасида ёки ҳудудда яққаланиши), ёки унга тенглаштирилган изоляция таъминланган ҳолда электрон воситалар ёрдамида ажратилиши лозим.

Омбор захираларини таҳлил қилиш қонунчилик талабларига мувофиқ равишда мунтазам амалга оширилиши керак. Аниқланган хатоликлар ҳужжатлаштирилиб, уларга нисбатан текширув ўтказилиши керак.

#### **7.5 Йўқ қилиш**

7.5.1 Йўқ қилиш учун мўлжалланган дори воситалари ва тиббий буюмлар тегишли равишда ёрликланиши, бегоналарнинг кириши таъқиқланган махсус ажратилган хона ёки ҳудудда алоҳида сақланиши керак. Улар билан ўтказиладиган операциялар ҳужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

7.5.2 Йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига ёки дори воситалари ва тиббий буюмларни олиб қилиш, ташиш ва йўқ қилиш учун қўлланиладиган халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Йўқ қилиш тўғрисидаги ёзув (қайд)лар қонун билан белгиланган муддатда сақланиши керак.

#### **7.6 Мижозларни (олувчиларни) баҳолаш**

7.6.1 Дистрибьютор дори воситалари ва тиббий буюмларни етказишда уларни олувчи ташкилотлар ўз фармацевтик фаолиятини лицензияга асосан юритишига ишончи қомил бўлиши керак. Дистрибьютор дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминотини фақат фармацевтик фаолиятни амалга ошириш учун лицензияланган ташкилотларга, тиббий муассасаларга, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун дори воситалари ва тиббий буюмлардан фойдаланадиган ташкилотларга амалга ошириши керак.

7.6.2 Ушбу талабларга риоя қилишнинг бошланғич ва кейинги даврий баҳоланиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) тегишли фаолият учун лицензияларнинг нусхаларини олиш;

б) тегишли давлат органларининг веб-сайтларида, Интернет ахборот ва телекоммуникация тармоғида жойлаштирилган ҳужжатлар асосида маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш;

**U'Z STANDART AGENTLIGI**  
**STANDARTLASHTIRISH VA**  
**DAVLAT NAZORATINI**  
**MUVOFIQLASHTIRISH**  
**BOSHQARMASI**

в) олувчининг малакасини ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласига оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш.

7.6.3 Дистрибьютор келишувнинг бажарилишини кузатади, ҳамда таъминот занжирида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа хавфли моддаларга оид ҳар қандай четланишлар бўйича текширувлар ўтказиши. Тақсимот бўйича ҳужжатлаштирилган йўриқномадан четланиш аниқланиб, бунда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мақсадга номувофиқ ишлатилиши аниқланса текширув ўтказилиши шарт. Текширув натижалари бўйича ваколатли органларга хабар берилиши керак.

7.6.4 Дистрибьютор томонидан Ўзбекистон Республикаси бозорида дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи юзасидан амалдаги талабларнинг бажарилиши таъминланиши бўйича чора-тадбирлар кўрилиши шарт.

#### **7.7 Юклаш учун тайёргарлик**

7.7.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни юклаш жараёни шундай ташкил этилиши керакки, бунда яроқлилик муддати нисбатан қисқа бўлган маҳсулотлар биринчи навбатда жўнатилиши керак (FEFO - first expire first out). Ушбу талабдан четланишлар ҳужжатлаштирилиши керак.

7.7.2 Юклаб жўнатиш учун тайёрланган дори воситалари ва тиббий буюмлар буюртма қилинганлиги назорат қилиниши керак. Юклаш учун тайёргарлик вақтида дори воситалари ва дори воситалари яроқлилик муддатининг қолган муддати олувчи ва жўнатувчи томонидан келишилган миқдорда бўлиши керак.

#### **7.8 Таъминот**

Дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб беришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кузатув ҳужжатлари тайёрланиши керак (счёт-фактура, юкхати, инвойс ва бошқалар). Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг кузатув ҳужжатларида қуйидаги маълумотлар келтирилган бўлиши лозим: дори воситалари ва тиббий буюмларнинг номи, серия рақами, юборилаётган миқдори, дори шакли, дозаси, таъминотчининг номи ва манзили, юкни қабул қилувчининг манзили (юримдик шахснинг манзилдан фарқли бўлса, омборхонанинг жойлашган ўрни), ташиш ва сақлаш шартлари, юклаб жўнатиш санаси.

Юклаб-жўнатиш бўйича ёзув (қайд)лар шундай сақланиши керакки, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳаракатининг кузатувини таъминлаш мумкин бўлсин.

## **8 ТРАНСПОРТДА ТАШИШ**

### **8.1 Моҳияти**

8.1.1 Дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминловчи дистрибьютор маҳсулотнинг тўғри сақланишини, бутунлиги, атроф-муҳит таъсиридан ҳимоя қилинишини, зарур ҳарорат (сақлаш шароитлари) таъминланишини ва қалбакилаштиришнинг олдини олиш имконини берадиган ҳолатда транспортировка жараёнини амалга ошириши керак.

8.1.2 Транспортда ташиш усулидан қатъий назар, транспортда ташиш пайтида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати ва бутунлигига салбий таъсир бўлмаслиги таъминланиши лозим.

8.1.3 Транспортда ташиш жараёнини режалаштириш вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак.

### **8.2 Транспортда ташиш**

8.2.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни транспортда ташиш шундай ташкил этилиши лозимки, бунда уларнинг идентификациялаш мумкин бўлсин; ташилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларни бошқа маҳсулотлар ёки материаллар билан аралашиб кетишининг олди олиниши; ўрамларнинг бутунлигини таъминлаш ва ўғирланишни олдини олиш учун тегишли чоралар кўрилиши; дори воситалари ва тиббий буюмлар баланд ва паст ҳарорат, ёруғлик, намлик, бошқа номақбул ҳодисалардан ҳимояланган бўлиши керак.

INTERNATIONAL STANDARD AGENTING

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

8.2.2 Дори воситалари ва тиббий буюмлар учун талаб қилинадиган сақлаш шароитлари бутун транспортировка даврида ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига ёки ўрамда келтирилган ахборотга мувофиқ амалга оширилиши керак.

8.2.3 Транспортда ташиш жараёнида ҳарорат режимининг бузилиши ёки дори воситаси ва тиббий буюм сифатининг бузилиши ҳолатларида бу тўғрисидаги маълумот жўнатувчига ва оловчига етказилиши керак. Четланишлар содир бўлганда амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби ва ҳатоликлар бўйича текширув олиб бориш тартибини белгилайдиган йўриқнома ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

8.2.4 Дистрибьютор шундай шароитни таъминлаши керакки, бунда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг транспортировкаси жараёнида ишлатиладиган транспорт воситалари ва ускуналар фойдаланиш мақсадига мувофиқ ҳолатда бўлсин, ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини йўқотишга ёки ўрамларининг бутунлигига зарар келтиришга олиб келувчи ноҳуя таъсирлардан химоя қилиш учун тегишлича комплектация қилинган бўлиши керак.

8.2.5 Дори воситалари ва тиббий буюмлар транспортировкасида ишлатиладиган транспорт воситаси ва ускуналар тоза тутилиши ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган санитария нормалари талабларига мувофиқ зарурат бўлганда тозаланиб туриши керак. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг дистрибьюция жараёнида ишлатиладиган транспорт воситалари ва ускуналарни сақлаш ва ишлатиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак, шу жумладан тозалаш ва хавфсизлик чоралари учун.

8.2.6 Танланган йўналиш бўйича дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш билан боғлиқ бўлган хатарларни таҳлил қилиш асосида ҳароратни назорат қилиш зарурлиги аниқланиши зарур. Транспорт воситасида ёки контейнерда ўрнатилган ва транспортировка вақтида ҳароратни назорат қилиш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ даврий равишда техник хизмат кўрсатишдан, текширув ва калибровкадан ўтказилиши керак.

8.2.7 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг дистрибьюциясида иложи борича махсус транспорт воситалари ва ускуналардан фойдаланиш лозим. Агар ихтисослашмаган транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар ишлатилса, дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

8.2.8 Дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминот ҳужжатларида кўрсатилган манзилга етказиб берилиши ва қабул қилувчи ташкилотнинг бевосита хонасига топширилиши керак. Дори воситалари ва тиббий буюмлар бошқа хоналарда қолдирилмаслиги керак.

8.2.9 Фавқулодда вазиятларда ишдан ташқари вақтда етказиб беришни ташкил этиш мақсадида ҳужжатлаштирилган йўриқнома асосида фаолият юритувчи махсус ходимлар тайинланган бўлиши керак.

8.2.10 Учинчи шахс томонидан транспортировка жараёни шартнома асосида амалга оширилиши керак. Транспорт компаниялари дори воситалари ва тиббий буюмларни транспортировкасига бўлган талаблар билан таништирилган бўлиши керак.

8.2.11 Дори воситалари ва тиббий буюмлар транспортировкаси шартларининг риоя этилиши учун маъсулият дистрибьюторга юклатилади.

8.2.12 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг транспортировка жараёни юкни тушириш ва қайта юклаш операциялари билан биргаликда амалга оширилса ёки транзит сақлашни ўз ичига олса, хоналардаги муҳитнинг тегишли шартларини ва транзит омборларида сақлашнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Хоналардаги муҳитнинг назорат қилинадиган шартларига қуйидагилар қиради: ҳарорат, ёруғлик, намлик ва тозалик.

8.2.13 Келгуси транспортировка жараёнигача бўлган вақтинча сақлаш муддатини камайтириш учун керакли чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.



### **8.3 Тара, ўраб жойлаш ва тамғалаш**

8.3.1 Дори воситалари ва тиббий буюмлар, уларнинг сифатига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайдиган, ташқи таъсирлардан ишончли химоя қиладиган ва контаминациянинг олдини олиш имкониятини бера оладиган транспорт тарасида етказилиши керак.

8.3.2 Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва ташиш бўйича талаблар, керакли миқдорни жойлаштириш учун зарур бўлган тара хажми, атроф-муҳит хароратидаги кутилаётган ўзгаришлар, транспортировка жараёнининг кутилаётган максимал давомийлиги, шу жумладан божхона омборларида вақтинча сақланиш вақти каби омиллар асосида транспорт тараси ва ўрамлар танланиши зарур.

8.3.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўғри муомаласи ва ҳавфсизлик даражасини таъминлаш учун ушбу дори воситалари ва тиббий буюмлар жойлаштирилган транспорт тарасини ташиш ва сақлаш талаблари, шунингдек керакли огоҳлик чора-тадбирлари келтирилган зарур маълумотли ёрликни транспорт тарасига ёпиштириш лозим. Транспорт тарасидаги маълумот, маҳсулотнинг чинлигини ва келиб чиқиш манбасини аниқлаш мумкинлигини таъминлаши керак.

### **8.4 Алоҳида муомалани талаб қиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар**

8.4.1 Алоҳида муомалани талаб қиладиган ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ алоҳида назорат остига олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва захарли моддаларнинг транспортировкасида дистрибьютор ҳавфсиз ва ноқонуний таъсирлардан химояланган ҳолда транспортировка режимини таъминлаши лозим.

8.4.2 Юқорида кўрсатилган дори воситалари ва тиббий буюмларга нисбатан қўшимча назорат тизими ташкил қилиниши керак. Уларнинг ўғирлиги содир этилган тақдирда хатти-харакатлар тартибини белгилайдиган йўриқнома ишлаб чиқилиши ва ҳужжатлаштирилиши керак. Ҳар қандай ўғирлик ҳолатлари ҳужжатлаштирилиши керак.

8.4.3 Ҳавфли (юқори фаолликка эга) ва радиоактив дори воситалари ва тиббий буюмлар махсус, химояланган ва ишончли транспорт воситаларида ташилиши керак. Қонунчиликка мувофиқ ҳавфсизлик чоралари қабул қилинган бўлиши керак.

8.4.4 Термолабил дори воситаларини ва тиббий буюмларни транспортировкасида талаб қилинадиган транспорт шароитларини таъминлайдиган, махсус ускуналар ва воситалар (изотермик ўрам, контейнерлар), шунингдек, зарур ҳарорат режимини таъминлайдиган транспорт воситаларини қўллаш керак.

8.4.5 Термолабил дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш жараёнида зарур ҳароратни сақлаб турувчи транспорт воситалари ва ҳароратни назорат қилиш учун фойдаланиладиган ускуналар мунтазам равишда техник кўриқдан, метрологик текширув ва калибровкадан ўтиши керак. Фойдаланиш параметрларини акс эттирадиган шартларга риоя этган ва мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳароратни хариталашни таҳлил қилиш керак.

8.4.6 Қабул қилувчи ташкилот талаби бўйича термолабил дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш ва сақлаш жараёнидаги ҳарорат режимига риоя этилишини тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилиши керак.

8.4.7 Изотермик контейнерлардаги совутиш элементлари дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар билан бевосита алоқада бўлмаган тарзда жойлаштирилиши керак. Ходимлар изотермик контейнерлар тайёрлаш бўйича йўриқнома талаблари (мавсум хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ва совутиш элементларини қайта ишлатиш талаблари бўйича ўқитилган бўлиши керак.

Етарли совутилмаган совутиш элементларидан қайта фойдаланишнинг олдини олиш учун мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Совутилган ва музлатилган совутиш элементлари жисмоний равишда тегишли изоляция билан таъминланган бўлиши керак.

Термолабил дори воситаларини хароратнинг мавсумий ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш жараёни ҳужжатлаштирилган йўриқномада тасвирланган бўлиши керак.

## **9 ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРГА ОИД ШИКОЯТЛАР, УЛАРНИ ҚАЙТАРИШ, ҚАЛБАКИЛАШТИРИШГА ШУБҲАЛАР, ВА УЛАРНИ МУОМАЛАДАН ЧИҚАРИБ ОЛИШ**

### **9.1 Моҳияти**

9.1.1 Дори воситалари ва тиббий буюмлар бўйича барча шикоятлар, маҳсулотни қайтариш ҳолатлари, қалбакилигига гумонлар, шунингдек, муомаладан қайтариб олиш тасдиқланган йўриқномаларга асосан ҳужжатларда қайд этилиши ва таҳлил қилиниши зарур. Тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар ваколатли идораларга тақдим этилиши керак.

9.1.2 Қайтарилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати баҳоланиб, сўнгра уларни таъминот тизимига қайта чиқариш учун рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Қалбакилаштиришга қарши кураш муваффақиятли бўлиши учун таъминот тизимидаги барча иштирокчиларнинг амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

### **9.2 Шикоятлар**

9.2.1 Шикоятлар қуйидаги маълумотларни акс эттирган ҳолда қайд этилган бўлиши керак: шикоят олинган сана, шикоят билдирган ташкилотнинг номи ёки шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), боғланиш маълумотлари (телефон ва факс рақами (мавжуд бўлса), электрон почта, манзил), дори воситалари ва тиббий буюмларнинг номи, дори шакли, дозаси, серия ва / ёки партия рақами, ҳажми, шикоят сабаби ва бошқалар.

Бунда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатига оид шикоятларни ва дистрибуция талабларига риоя этиш бўйича шикоятларни ажратиш лозим.

9.2.2 Агар шикоят дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатига нисбатан бўлса ёки сифатсиз (қалбакилаштирилган) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мавжудлигига гумон бўлган ҳолларда, ишлаб чиқарувчи ва / ёки рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси дарҳол хабардор қилиниши керак.

9.2.3 Дистрибуция шартлари ва талабларига риоя қилиш бўйича шикоят билдирилса, шикоятнинг манбаи (субъекти) ёки сабабини аниқлаш учун текширув ўтказилиши керак.

9.2.4 Шикоятлар билан ишлаш учун махсус шахс тайинланиши керак, шунингдек дистрибуторнинг бошқа ходимлари етарли миқдорда жалб қилиниши мумкин.

9.2.5 Шикоятларни текшириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича зарур ҳолларда, аниқланган хатоларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича хатти-ҳаракатлар, шу жумладан агар зарурат бўлса белгиланган талабларга мувофиқ ваколатли давлат идораларини огоҳлантириш ўтказилади.

Улгуржи савдо ташкилоти дори воситалари ва тиббий буюмлардан фойдаланишда салбий реакциялар аниқланган барча ҳолларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзма хабар бериши шарт.

### **9.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қайтарилиши**

9.3.1 Қайтарилган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан операциялар хавfli дори воситалари ва тиббий буюмлар спецификациясини, махсус сақлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек дастлабки жўнатилганидан кейин ўтган вақтни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

9.3.2 Юқорида келтирилган дорилар ва тиббий буюмлар факат қуйидаги шартларнинг барчаси бажарилган тақдирда етказиб беришга яроқли бўлган тоифага қайтарилиши мумкин:

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тартиб-қоидаларига (истеъмол) қадокланиши яхлитлиги бузилмаган, зарар этказишни белгиланган йўш ишлаб чиқарувчи

томонидан тақдим этилмаган белгилар мавжуд эмас, амал қилиш муддати тугамаган, махсулот муомаладан чиқарилмаган;

- қабул қилувчи махсус сақлаш ва ташиш шартларига риоя этганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этилган;

- дори воситалари ва тиббий буюмлар ушбу ҳаракатларни бажариш учун мўлжалланган ваколатли шахс томонидан текширилиб, баҳоланган. Бундай баҳолашни амалга оширишда махсус сақлаш шароитларини, шунингдек товарларни жўнатиш вақтидан ўтган вақтни ташкил этиш талабларини ҳисобга олинган;

- дистрибьюторга дори-дармонлар ва тиббий буюмларнинг ушбу қабул қилувчига (тегишли ҳужжатларнинг илова қилинган нусхалари бўйича) етказилганлиги тўғрисида далиллар мавжуд: серия рақами ва / ёки партиянинг рақами ҳужжатларда кўрсатилганига мос келади, ушбу дорилар ва тиббий махсулотлар сохталаштирилганлиги тўғрисида етарли асос мавжуд эмас.

Махсус ҳароратни сақлаш шароитларини талаб қилувчи дори-дармонлар ва тиббий махсулотлар, тегишли шароитларда барча вақт давомида сақланган ва ташилганлиги тўғрисида ҳужжатлаштирилган далиллар мавжуд бўлса, етказиб беришга яроқли бўлган тоифага қайтарилиши мумкин.

9.3.3 Агар бирон-бир чора-тадбирларда хатоликлар аниқланса, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун хавфни баҳолаш керак. Далиллар куйидаги босқичларда тўпланиши ва баҳоланиши керак:

- а) қабул қилувчига етказиб бериш;
- б) махсулотни текшириш (идентификация);
- в) транспорт кадоғини очиш (етказиб бериш учун контейнер);
- г) дори воситаларини транспорт кадоғига қайтариб бериш (етказиб бериш учун контейнер);
- д) дистрибьюторга дори воситаларини йиғиш ва қайтариш;
- е) дори воситалари ва тиббий буюмларни дистрибьюторнинг махсус сақлаш жойига.

9.3.4 Қайтарилган махсулотларни ҳужжатсиз қабул қилиш тақиқланади. Қайтарилган нуксонсиз дори воситалари ва тиббий буюмлардан келгуси фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилунгунга қадар қайта юклашнинг олдини олиш учунасосий махсулотлардан алоҳида жойлаштирилиши керак.

9.3.5 Махсулотларни жойлаштириш, сотув учун яроқли бўлган тоифага қайтарилган сақлаш муддати киска бўлган дори воситалари ва тиббий махсулотлар биринчи навбатда етказиб берилиши (FIFO) самарали равишта амалга оширилишига мўлжалланган бўлиши керак.

9.3.6 Ўғирланган дори воситалари ва тиббий буюмлар етказиб беришга яроқли тоифага қайтарилмайди ва қабул қилувчиларга етказиб берилмайди.

#### **9.4 Қалбаки дори воситалари ва тиббий буюмлар**

9.4.1 Дистрибьютор сохта махсулотлар аниқланганда дарҳол ваколатли органга, ҳамда тиббий махсулотни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини эгасига, сохта махсулотни аниқлангани ёки сохталигига шубҳа уйғонгани тўғрисида тезда хабар бериши шарт. Ушбу маълумот барча дастлабки маълумотларни сақлаб қолган ҳолда тасдиқланган кўрсатмаларга мувофиқ ҳужжатлаштирилиши керак ва унга нисбатан тергов ўтказилиши керак.

9.4.2 Сотиш занжирида аниқланган сохта доривор махсулотлар ва тиббий буюмлар зудлик билан жисмонан ажратилади ва алоҳида хонада ёки чекланган кириш зонасида бошқа махсулотлардан алоҳида сақланади.

9.4.3 Сохта дори воситалари ва тиббий буюмлар билан боғлиқ барча операциялар ҳужжатларни расмийлаштирилиб, ёзувлар сақланиши керак.

#### **9.5 Муомаладан чақириб олиш**

9.5.1 Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарадиган, сотадиган ва ишлатадиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлардан фойдаланиш шартини ўрнатадиган барча ҳолатлар тўғрисида ёзма равишда хабар беришлари шарт.

ЎЗБЕКИСТОН  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NAZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

9.5.2 Дори воситалари ва тиббий буюмлар белгиланган хавфсизлик ва самарадорлик талабларига жавоб бермаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай тиббий маҳсулотларни муомаладан чиқариш ёки тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

9.5.3 Дори воситалари ва тиббий буюмларни секин ёки тезкор равишда муомаладан чақириб олиш бўйича ҳужжатлаштирилган фавқулодда вазият режасини ишлаб чиқиш керак. Дори воситалари ва тиббий буюмларни қайтариб олишни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган шахсни тайинлаш тавсия этилади.

9.5.4 Фавқулодда вазиятлар учун ҳаракат режасини самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қабул қилувчиларни бевосита аниқлаш ва улар билан алоқага чиқиш имконини берадиган ташилувчи дори воситалари ва тиббий жихозларнинг ҳисоб тизими йўлга қўйилиши лозим.

9.5.5 Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг бирор серияси/партияси чақириб олинган тақдирда ушбу маҳсулотларни олган барча фойдаланувчиларга (фармацевтик фаолият юритиш бўйича литсензияга эга ташкилотларга, тиббий ташкилотларга, ҳамда ўз фойдаланиши учун дори воситалари ва тиббий буюмларга мухтож ташкилотларга) дарҳол хабар етказилиши керак.

9.5.6 Дори воситалари ва тиббий буюмларни чақириб олиш бўйича ҳаракатлар самарадорлиги мунтазам равишта (йилига камида 1 марта) баҳоланиши керак.

9.5.7 Дори воситалари ва тиббий буюмларни исталган вақт ичида муомаладан чиқариб ташлаш бўйича чоралар кўришга имкон берилиши керак.

9.5.8 Дистрибьютор, ваколатли орган томонидан тасдиқланиши керак бўлган (агар керак бўлса), бекор қилиш ҳақида маълумот хатининг кўрсатмаларига риоя қилиш керак.

9.5.9 Чақириб олиш ва муомаладан чиқариб ташлаш бўйича ҳаракатлар уларни бажариш вақтида белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилиши керак. Чақириб олиш бўйича ҳужжатлар ваколатли органларга тақдим этилиши керак.

9.5.10 Дистрибьютсия билан боғлиқ қайдлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни муомаладан чиқариш бўйича жавобгар шахс томонидан кўриб чиқилиши осон бўлиши, ва дори воситалари ва тиббий буюмлар дистрибьюторлари ва тўғридан-тўғри қабул қилувчилар ҳақида етарли маълумотни ўзида жамлаши лозим (манзили, иш соатларида ва ишдан ташқари соатларда фойдаланиш мумкин бўлган телефон рақами ва (агар мавжуд бўлса) факс рақами), шу жумладан, экспорт қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ва уларнинг намуналарини ўз ичига олган ҳолда (серия ва / ёки партия номи, дори воситаси шакли, дозалаш ва етказиб берилган миқдор).

9.5.11 Дори воситалари ва тиббий буюмлар серияси / партиясини муомаладан чиқариш ва қайтариб олишда амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳужжатлаштирилиб, якуний ҳисоботда акс эттирилиши керак.

## **10 ТАШҚИ МАНБААЛАРГА ЮКЛАТИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР (АУТСОРСИНГ)**

### **10.1 Моҳияти**

Дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар хавфсизлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун, ушбу коидалар билан боғлиқ ташқи манбааларга юклатилган ҳар қандай фаолият, аниқлаштирилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши, ва назорат остида бўлиши керак. Дистрибьютор-буюртмачи ва ижрочи ўртасида ёзма шартнома тузилиши, унда ҳар бир томоннинг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши лозим.

### **10.2 Буюртмачи**

10.2.1 Буюртмачи ташқи манбааларга топширилган вазифалар учун масъулдир.

10.2.2 Буюртмачи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун ижрочининг ваколатлари етарлилигига ишонч ҳосил қилишга зарур бўлган ҳолдан яхши

дистрибьюторлик амалиёти шартларига мувофиқ фаолият юртишини шартномада тегишли шарт-шароитларни белгилаш ва текширишларни ўтказиш йўли билан таъминлаши керак.

10.2.3 Ижрочининг шартнома шартларини бажариш ваколатини ва қобилиятини текшириш аутсорсингга ўтказиладиган фаолият бошлангунга қадар, ҳамда бундай фаолиятда сезиларли ўзгаришлар бўлганда амалга оширилиши керак. Ташқи манбаалар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни текширишнинг муддатлари хавфни таҳлил қилиш натижалари асосида аниқлаш керак. Текширувларни ўтказиш шартлари ва муддати томонлар томонидан келишилиши керак.

10.2.4 Буюртмачи ижрочига дори воситалари ва тиббий буюмлар учун қўйиладиган талаблар, ҳамда бошқа барча талабларни бажариш учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этади.

### 10.3 Ижрочи

10.3.1 Шартнома бўйича ишларни (хизматларни) тўғри бажариш учун ижрочи керакли хоналар ва жиҳозлар, ҳужжатлаштирилган тартиб, билим ва тажрибага, шунингдек малакали ходимларга эга бўлиши керак.

10.3.2 Ижрочи шартнома асосида унга топширилган ишларни (хизматларни) буюртмачи томонидан баҳоланиш ва тасдиқлашисиз, ва учинчи томонни буюртмачи ёки ижрочи томонидан текширилмасидан туриб ушбу вазифаларни учинчи томонга ўтказмаслиги керак. Ижрочи ва учинчи томон ўртасида тузилган шартномада бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумот буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тақдим этилишини таъминлаши керак.

10.3.3 Ижрочи буюртмачи дори воситалари ва тиббий буюмларининг сифатини йўқотишига олиб келиши мумкин бўлган ҳеч қандай чораларни кўрмаслиги керак.

10.3.4 Шартнома шартларига мувофиқ ижрочи буюртмачига дори воситалари ва тиббий буюмлар сифати билан боғлиқ ҳар қандай маълумотни маълум қилиши шарт.

## 11 ДИСТРИБЬЮТОРЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ

### 11.1 Моҳияти

Дори воситалари ва тиббий буюмлар учун яхши дистрибьюторлик амалиёти талабларини бажариш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш ва зарурий тузатув чораларини ишлаб чиқиш учун ўз-ўзини текширишлар ўтказилиши керак.

### 11.2 Ўз-ўзидан текшириш

11.2.1 Ўз-ўзини назорат қилиш дастури маълум давр мобайнида яхши дистрибьюторлик амалиётларининг барча жиҳатларини, қонуний талабларни, кўрсатмаларни, ҳужжатларни тартибга солувчи кўрсатмаларни (СОЖ) ўз ичига олиши керак.

11.2.2 Ўзини текширишлар ташкилот фаолиятининг айрим жиҳатларини қамраб оладиган бир нечта мустақил текширувларга бўлиниши мумкин. Ўз-ўзини текширувлар махсус тайинланган малакали мутахассислар томонидан ҳолисона ва диққат билан бажарилиши керак. Мустақил ташқи мутахассислар томонидан ўтказиладиган текширувларга руҳсат берилади, аммо улар ўз-ўзини текшириш ўрнини боса олмайди.

11.2.3 Ўз-ўзини текшириш натижалари ҳужжатлаштирилиши керак. Ҳисоботларда текширув вақтида олинган барча маълумотлар бўлиши керак. Ҳисоботнинг нусхаси дистрибьюторга, шунингдек бошқа манфаатдор томонларга топширилиши керак.

11.2.4 Агар камчиликлар ёки хатолар аниқланса, уларнинг сабабларини аниқлаш, шунингдек тузатувчи ва олдини олувчи ҳаракатлар ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш керак.

D'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT N:ZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI

## БИБЛИОГРАФИЯ

[1] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 28.12.1993 й. 1002-ХП «Стандартлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси, 1994 йил, N 2, 46-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 28.12.1993 й. 1004-ХП «Метрология тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси, 1994 йил, N 2, 48-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 28.12.1993 й. 1006-ХП «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси, 1994 йил, N 2, 50-модда.

[4] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29.08.1996 й. 265-И «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» "Халқ сўзи", 2007 йил 4 октябрь "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 40-сон, 411-модда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2007 йил, 10-сон, 473-модда.

[5] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 04.01.2016 й. ЎРҚ-399 «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 11 январь, 1-сон, 3-модда.

[6] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19.08.1999 й 813-И «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999, N 9, ст. 210.

[7] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 25.05.2000 й. 71-П «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2000 г. N 5-6, ст.142.

[8] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14.06.1991 й. 285-ХП сон «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2000 г. N 5-6, ст.148.

[9] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23.04.2009 й. ЎРҚ-213 «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» "Халқ сўзи", 2009 йил 24 апрель, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 17-сон, 211-модда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2009 й. 4-сон, 140-модда

[10] Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30.09.2009 й. ЎРҚ-226 «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида» "Халқ сўзи", 2009 йил 1 октябрь "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 40-сон, 432-модда.

[11] Вазирлар Маҳкамасининг 12.12.2011 й 324-сон қарори «Истеъмол товарларининг

**D'ZSTANDART AGENTLIGI**  
**STANDARTLASHTIRISH VA**  
**DAVLAT NIZORATINI**  
**MUVOFIQLASHTIRISH**  
**BOSHOQARMASI**

айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида», "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 50-сон, 514-модда, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами", 2011 йил, 12-сон, 95-модда

[12] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 й. 318 сон қарори «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», ҚТ, 27-сон, 315-модда ХҚТ, 7-сон, 63-модда

[13] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.04.2017 й. 185 сон қарори "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ-399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 10 апрель, 14-сон, 228-модда; "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами", 2017 йил, 4-сон, 40-модда.

[14] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2017 й. 284 сон қарори " Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҚТ, 20-сон, 364-модда ХҚТ, 5-сон, 71-модда

[15] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2016 й. 365 сон қарори " Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида" "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 31 октябрь, 43-сон, 506-модда "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами", 2016 йил, 10-сон, 100-модда;

[16] Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан 01.07.2016 йилнинг 2805-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 23.06.2016 йилнинг 57 сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHTIRISH VA  
DAVLAT NIZORATINI  
MUVOFIQLASHTIRISH  
BOSHQARMASI**

**БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР**

ОКС 01.020

**Таянч сўзлар:** яхши сақлаш амалиёти, қўллаш соҳаси, атамалар ва таърифлар, тамоиллар, хона, асбоб-ускуна, сақлаш, хужжатлар, намуналар танлаб олиш, захиралар, ҳисобот.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI  
STANDARTLASHIRISH VA  
DAVLAT NIZOMINI  
MUVOFIQLASHIRISH  
BOSHQARMASI**



## ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАРАҒИ

Ўзг.	Варақлар рақами (саҳифа)				Жами бетлар	Ҳуж- жат рақа ми	Илова қилин- ган хужжат- нинг кириш рақами	Имзо	Сана
	Ўзгари- рилган	Алмаш- тирил- ган	Янги- лари	Бекор қилинган					

O'ZSTANDART AGENTLIGI  
 STANDARTLASHTIRISH VA  
 DAVLAT NIZOMATINI  
 MUVOFIQLASHTIRISH  
 BOSHQARMASI

**АХБОРОТ МАЪЛУМОТЛАРИ**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш  
агентлиги директорининг биринчи ўринбосари



Н.Н.Бердиев

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш  
агентлиги директорининг ўринбосари



С.Темиров

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий  
техника экспертизаси ва стандартлаштириш  
Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси директори



Ш.Х.Абдуганиев

Ахборот-тахлил бўлими бошлиғи

М.Я.Ибрагимова

Фармацевтика соҳасига халқаро  
стандартларни жорий этишни  
мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи



А.Б.Ибрагимов

Ахборот-тахлил бўлими бош мутахассиси

М.П.Мухамедова

Фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Д.Т.Саипова

**ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ  
СТАНДАРТЛАСHTIRISH VA  
DAVLAT NAZORATINI  
MUVOFIQLASHTRISH  
BOSHQARMASI**